

Мухтарам уламоларимиз куйидаги масала хакида нима ҳукм чиқарадилар:

Бугунги кунимизда шокалад, торт, музкаймок ва бошка жуда кўп махсулотларда желатин номли аралашма истемол килинмоқда. Уларнинг баъзилари чўчканинг териси ва суягидан кимёвий усулда олинади. Дунё уламолари томонидан бу борада турлича фикр ва фатволар берилган. Баъзи уламолар чўчка терисида кимёвий ўзгариш (chemical changes) туфайли фикх истилоҳидаги истиҳола (бир моддани тўлиқ иккинчи моддага айланиши) содир бўлади ва ҳалол бўлади дейишади. Хусусан, Хиндистон фикх академияси мажмуасининг (2009/6601, 6602) қарори шундайдир.

Баъзи уламолар чўчка териси кимёвий амалиётдан кейин бутунлай ўзга нарсага айланмайди ва фикхдаги истиҳола ҳукмини олмайди. Шунинг учун унинг ҳукми аслий ҳаромлиги ҳолича қолади дейишган. Бу Жидда фикх мажмуасининг (11, 3-786, 1406) қароридир.

Баъзи уламолар таваккуф қилиб (аниқ тўхтамга келмай) агар истиҳола топилса ҳалол, аксинча бўлса ҳаром дейишган.

## САВОЛ

1. Желатин олинаётганда кимёвий ўзгариш содир бўлади. Ушбу ўзгариш шариатимиздаги туз қонига тушган эшак тузга айланса ҳалол бўлади деган ҳукмга тушади?
2. Кимёвий ўзгариш даражаси турлича бўлади. Ўша ўзгаришдан истиҳола даражадаги ўзгариш топилиши шартми ёки мутлақ ўзгариш қифоя қиладими?
3. Истиҳола ҳукмини олиш даражаси қандай бўлади? Бунга бирор меъёр белгиланганми?
4. Чўчка териси ва суяқларидан олинган желатин ҳалолми ёки ҳаромми?

## ЖАВОБ

Бирор нарсада истиҳола топилса, албатта кимёвий ўзгариш топилган бўлади. Лекин кимёвий ўзгариш содир бўлган нарсада ҳамма вақт ҳам истиҳола топилди, деб қатъий айтиб бўлмайди. Масалан: эшак жасади вақтлар ўтиб туз қонида тузга айланса, у ерда истиҳола ва кимёвий ўзгариш топилган бўлади. Думба ёғини узок қуйдириб ёғини олинса, кимёвий ўзгариш топилган бўлади, лекин истиҳола топилган бўлмайди. Демакки, истиҳола бор жойда кимёвий ўзгариш бору, лекин ҳар бир кимёвий ўзгариш бор жойда истиҳола топилавермас экан. Балки, баъзи ўринда истиҳола топилса, баъзи ўринда топилмаслиги ҳам мумкин. Кимёвий ўзгариш топилиб, истиҳола топилмаслигига ёрқин мисол гўштдир.

## ГЎШТНИ ПИШИРИШ БИЛАН ИСТИХОЛА ТОПИЛМАЙДИ

Гўшт пиширилганда турлича ўзгаришлар содир бўлади. Унинг ранги, мазаси ва хиди ўзгаради. Кимё соҳаси мутахассислари гўшт пиширилганда кимёвий ўзгариш бўлишини айтиб ўтишган.

Гўштни пиширишда омматан уни кайнатилади. Ундан гўштни тузилиши ўзгариши билан бир каторда кимёвий ўзгариши билан мазали бўлиши ҳам касд килинади. (Encyclopedia of meat science 2004 pg 599).

Бошқа ўринда: Гўшздаги таъм гўшт билан ёғнинг реакцияси натижасида пайдо бўлган нарсадир”, дейилган. (263 б.)

Юкоридаги иборалардан маълум бўладики, гўштни кайнатилганда унда кимёвий ўзгариш (реакция) содир бўлар экан. Лекин бу реакция шаръан эътиборга олинган истихолога кифоя килмайди. Бунинг далили сифатида чўчка гўштини келтиришимиз мумкин. Уни кайнатиб ёки ковуриб пиширилганда унда кимёвий ўзгариш содир бўлади. Лекин шаръий истихоло топилмайди. Чунончи уни пишириш билан ҳалол бўлиб қолмайди. Чунки унинг ҳақиқати ва моҳияти ўзгариб қолмайди. Кимёвий ўзгариш содир бўлгани учун унда истихоло топилди дейилса, уни ейиш жоизлиги келиб чиқади. Бу эса очик ойдин ҳато эканлиги барчага маълум. Бирор кимса ҳалол бўлиб қолди дейишга журъат қилмайдиган. Аллоҳ таоло: “(Аллоҳ таоло) сизларга ўлимтик, қон ва чўчка гўштини ҳаром қилди”, деб марҳамат қилган.

Бугунги кунда гарб мамлакатларида оммавий тарзда чўчка гўшти бошқа гўшлар каби пишириб ейилмоқда. Лекин шу кунгача бирор киши уни пиширилганда кимёвий реакция содир бўлгани учун истихоло топилди уни еса бўлади, деб даъво қилган эмас. Аллома Сарахсий “Мабсут”нинг Китобул ашрибасида (22, 24 б.) қуйидагиларни айтган:

“Ўзумнинг сиқиб олинган суви қучайиб, бижгиса ва қўпик отса сўнгра уни кайнатилса, кайнатиш билан ҳалол бўлиб қолмайди. Чунки, кайнатиш иши ҳаром нарсаси содир бўлди. Кайнатиш унга ҳалолликни келтириб чиқармайди. Худди чўчка гўштини пиширилганидаги каби”.

Ушбу мукаддимадан шу нарса маълум бўладики, ҳар бир кимёвий ўзгаришдан истихоло содир бўлавермас экан. Балки иккиси орасида умум хусус мутлақ нисбати, яъни бирор нарсаси истихоло топилса, албатта кимёвий ўзгариш топилган бўлади. Лекин кимёвий ўзгариш содир бўлган нарсаси ҳамма вақт ҳам истихоло топилавермайди, деган нарса маълум бўлди.

Кимё мутахассислари билан қилинган суҳбат ва таҳқиқотлардан фуқаҳоларимиз томонидан айтилган сирканинг винога, тўнғизнинг тузга, гўнг чириб тупрокка айланишида истихоло содир бўлган ва кимёвий реакция содир бўлган дейиш мумкин. Лекин пиширилган чўчка гўшти каби кимёвий ўзгариш содир бўлган нарсаси кимёвий реакция содир бўлиб, истихоло топилмайди. Албатта, чўчка гўшти пиширилганда ҳалол бўлмайди. Лекин қуйдириб қулга айланса, истихоло топилган бўлади ва унинг ҳақиқати ўзгарган бўлади. Тахтовийнинг “Мароқил фалаҳ” номлиқ хошиясида қуйидагилар ёзилган:

“Айни ўзи (ҳақиқати) истихоло бўлган нажосат қок бўлади. Худди тузга, тупрокка ва утрунга айлангани каби. Ёки оловда қуйиб қулга айлангани каби”.

Тахтовий, айни истихоло бўлса, қок бўлади дегани ундан фойдаланиш жоиз бўлади

деганидир. Бу Имом Мухаммаднинг кавли бўлиб, шуни фатвога ихтиёр килинган. Чунки бир нарсанинг хакикати ўзгариши унинг сифатини ўзгаришини такозо килади.

“Халаби кабир” китобида инсон ёки хайвоннинг тезаги куйдирилиб кулга айлантирилса ёки эшак туз конида вафот топиб тузга айланса, шунингдек ит, тўнгизлар ҳам туз конида тушиб тузга айланса ёки хайвоннинг тезаги ёки қўйнинг кумкалоги кудукка тушиб балчикка айланса, Имом Мухаммад наздида нажосати кетиб пок бўлади. бу Абу Юсуфга хилофдир. У кишининг наздида нажосат куйдириш билан пок бўлиб қолмайди. Балки, кул ҳам нажосатлигича қолади. Чунки, у нажосат нарсанинг жузларидир. Бир жихатдан нажосатлиги ўзгармайди. Шунинг учун эҳтиёт юзасидан нажосатлар каторига қўшилади, деган. “Хидоя”нинг сохиби “Тажнис” китобида Абу Юсуфнинг фатвосини олган. Аксарият шайхлар эса, Имом Мухаммад кавлини ихтиёр қилишган ва фатво ҳам шунгадир. Чунки, шариат ўша нарсанинг куйдирилишидан олдинги хакикатига нажосатлик сифатини берган. Ўша хакикат куйдиришлик орқали буткул кетди. Чунки, туз айланган эшак эндиликда суякдан ҳам гўштдан ҳам иборат эмас. Эшакнинг хакикати тузга ўзгаргач энди уни туз, деб ҳукм қилинади, эшак деб эмас. Кул ҳам шунингдекдир. Жассоснинг “Ахкомул Куръон” китобининг “Кахф” сурасидаги қуйидаги оят шарҳида шундай дейилган:

﴿وَمَا يَكْفُرُ لَكُمْ بِهِ اللَّهُ مُتَّبِعَةً سُنَّتَ الْأَوَّلِينَ﴾

“Биз ер юзидаги нарсаларни ер учун зўнат қилганмиз” (Кахф 7-оят). Ушбу оят ханафийлар нажосат тупрокка айлангач у покиза бўлади, деган сўзларининг саҳихлигига далилдир. Чунки, бу ҳолатда нажосат эмас, балки тупрокдир. Шунингдек, нажосат куйдирилиб кулга айланса ҳам покизадир. Чунки, кул покиза нарсалар жумласидан бўлиб, у нажосат эмас. Кул нажосат нарсани кули бўладими ёки пок нарсани кули бўладими фарқи йўқдир. Чунки, нажосат бир нав истихола ҳолатида эди. Ўша ҳолат куйдириш орқали кетказилди ва бошқа бир истихола ҳолати пайдо бўлди. Бу ҳолат эса, нажосатликни вожиб қилмайди.

2. Кимёвий ўзгариш даражаси турлича бўлади. Ўша ўзгаришдан истихола даражадаги ўзгариш топилиши шартми ёки мутлак ўзгариш кифоя қиладими?

Истихола топилиши учун факихлар наздида бирор нарса ўзининг хакикати ва моҳиятидан чиқиб, бошқа бир моҳият ва хакикатни касб қилиши шартдир. Масалан, тўнгиз ўз хакикатидан чиқиб тузга ўзгарган ёки нажосат чириб тупрокка айланган бўлиши шартдир. Шунда ҳаром нарса ҳалолга ўзгаради. Бундан маълум бўладики, бирор нарсанинг ранги, таъми, ҳиди, номи, кимёвий жузлари ўзгаришидан моҳиятини ўзгариши келиб чиқмайди. Истихола учун эса, тўлик тарзда моҳият ва хакикат ўзгариши шартдир. “Раддул мухтор”да бир нарсани ҳалол бўлиш иллати хакикатнинг ўзгаришидир, дейилган. Бу Мухаммаднинг сўзи бўлиб, “Мухит”да Абу Ханифа ҳам у киши билан бирга дейилган. “Фатҳул кодир”да шу сўзни машойихлар ихтиёр қилганлар, дейилган. Чунки, шариат нажосат сифатини ўша хакикатга тайин қилган, яъни ўша хакикатни нажосат, деб сифатлаган. Бир нарсанинг хакикатини баъзи жузлари кетганда хакикат ҳам ўзгаради. Буткул ўзгарганда эса, хакикат ўзгариши аниқ. Тузга айланган эшак суяк ҳам гўшт ҳам эмас. Улар тузга айлангач уларга тузни ҳукми берилади. Шариатда бунинг мисоли маний (сперма) бўлиб, у нажосат ҳисобланади. У лахта қонга айланади, у ҳам нажосат. Сўнг бир парча гўштга айланади, у эса покдир. Узумнинг сикилган суви пок бўлиб, у винога айланса нажосат бўлади. Сўнг баъзи бир амалиёт бажарилиб сиркага айланади ва у пок бўлади. бундан билинадики, хакикатни ўзгариши унинг ҳукмини ўзгаришини ҳам такозо қилади. Лекин, узумнинг сикилган суви қайнатилиб қуйик ҳолатга келтирилса, қунжут

эскириб ёгига аралашиб кетса, пишлокка айланган сут ва унга айланган бугдой каби сифати ўзгарган бўлади ҳалос. Мазкур тафсилотлардан шу нарса маълум бўладики, чўчканинг терисидан ёки суягидан тайёрланган желатинда истихола ҳукми содир бўладими ёки йўқми? Куйида бу ҳақда сўз юритамиз:

Ундан олдин шуни айтиб ўтиш керакки, бу масала ижтимодий ҳамда таҳқиқотлар натижасида келиб чиқадиган масаладир. Кимнинг таҳқиқотиға мувофиқ у пок деб топилиши мумкин. Худди “Хинд ислом фикхи” қарори каби. Ёки “Жидда ислом фикхи” қарори каби ҳаром бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Бу уларнинг таҳқиқотиға боғлиқдир. Бизнинг тадқиқот ва таҳқиқотларимизға мувофиқ, желатин истихола ҳукмини олмайди. Тўнгиз терисидан тайёрланган желатинни истеъмол қилиш жоиз эмас. Куйида бу ҳақда батафсил маълумотлар келтирилади. Лекин, ундан аввал бир тушунчаларға эътибор қаратамиз:

1. Тўнгиз терисидаги ўзгарувчи унсур протин, яъни уни (kollagen) коллаген ҳам дейилади. Илмий тадқиқот олиб боровчиларнинг фикриға мувофиқ, қаллоқенни сувда қайнатиш билан (denaturation) ҳосил бўлади. У сабабли қаллақен тузилишида ўзгариш пайдо бўлади. ушбу ўзгарган ҳолат желатин деб номланади. Желатин тайёрлашлик бир неча босқичдан иборат бўлади. Лекин, у асосан икки йўл (Acid) ҳам “Alkali” усули орқали олинади. Denaturation ҳолати (Hydrolysis) қимёвий усули билан ҳам ҳосил бўлади.

Оксфорт илмий-тадқиқот энциклопедиясида қуйидагилар ёзилган:

“Hydrolysis қимёвий амал бўлиб, унда сув воситаси билан бирор бир модданинг молекулалари парчалаб ташланилади” (1998 йил нашр қилинган. Б. 186).

Таом илмий тадқиқот технологияси энциклопедиясида желатин тайёрлаш тўғрисида шундай дейилган:

“Желатин hydrolysis қимёвий амалиёти орқали иссиқ сувда қайнатиш билан ҳосил бўлади. Аслида желатин алоҳида бир нарса эмас. Балки, у бир нарсани иккинчи нарсаға қўшиш орқали ясалади”.

Бирор бир қаллақиннинг асосий структурасини мукамал тарзда ўзгаришини denaturation дейилади. Масалан, хом тухумни қайнатиб пиширилганда denaturation пайдо бўлади.

2. Қаллақинда қимёвий ўзгариш содир бўлиши натижасида истихола даражасиға етадими ёки йўқми? Ушбу масалада қимё мутахассислари билан олиб борилган суҳбатлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, қимёвий усул орқали тўнгиз терисидан желатин тайёрланганда ҳосил бўлган ўзгариш ғўшти қайнатиб пишириш даражасида бўлади. ундан зиёда ўзгариш бўлмайди:

А) ғўшти пишириш ҳамда қимёвий йўл билан желатин олиш ишининг натижаси бирдир. Икки суратда ҳам тўнгиз терисида denaturation содир бўлиб, желатинға айланади;

Б) мазкур икки Acid ҳам “Alkali” амалиётда топилган ўзгариш hydrolysis усули орқали ҳам содир бўлади.

В) профессор Асаднинг сўзларига биноан қаллоқенни қайнатиб пишириш ёки алкали ва асид қимёвий усуллари орқали желатин тайёрлашда ҳеч қандай фарқ йўқ. Фақат қимёвий усул орқали желатин олинганда желатиннинг мусавффолиғи қайнатиб тайёрланганга нисбатан тозарок бўлади. профессор Мансурнинг тадқиқотиға биноан, қимёвий усул орқали желатин тайёрлашда ғўшти ёки терини секин узок муддат тайёрлашға боғлиқдир. Қанчалик узок қайнатилса, шунчалик қаллоқин желатинға айланади.

Г) Таом илмий тадқиқот технологияси энциклопедиясининг 1716 саҳифасида шундай

дейилган:

“Гўштни кайнатиш мабойнида гўшдаги каллажен denaturationга ўзгаради. 65 градсда у желатинга айланади”.

Food science 5 th Edition. Norman N.Potter and Joseph H.Hotchkiss (1995) Pg 330.

“Гўштни кайнатилганда уч хил холат содир бўлади. биринчиси, ундаги ёғлар эрийди, иккинчиси суюклик туфайли каллажин эрийди ва юмшок желатин хосил бўлади”.

Гўштни кайнатилганда гўшдаги каллажин моддаси эриб, желатинга ўзгаради. Шунинг учун гўштни совутилса юкори кисмида силлик модда хосил бўлади.

Хулоса куйидагилардан иборат:

А) юкоридаги таом мутахассисларининг сўзларига биноан тўнгиз терисидаги каллажин моддаси кимёвий усул оркали эритилганда желатинга айланади;

Б) кимёвий ўзгариш содир бўлганда denaturation ва hydrolysis хосил бўлади. Кимёвий усул воситасида желатин тайёрлаш билан гўштни узок кайнатиш оркали желатин хосил бўлиши ўртасида катта фарк йўк. Илмий тадқиқотчиларининг сўзларига кўра, иккиси бир хил даражада хисобланади. Факат кимёвий усулда олинадиган желатин гўштни кайнатиш оркали олинадиган желатинга нисбатан соф бўлади;

В) кимёвий усулда тайёрланган желатин билан гўштни кайнатиш оркали хосил бўладиган желатин орасида айтарли даражада фарк йўклиги боис, бирор харом нарсани кайнатиш оркали унда содир бўлган ўзгариш билан у халол бўлиб қолмайди. “Мабсут”нинг ичимликлар китобида:

“Ўзумдан сиқиб олинган сув қучайиб бижғиб, кўпик отса, сўнг у кайнатилса кайнатиш билан у халол бўлиб қолмайди. Чунки, кайнатиш айни харом нарсда содир бўлди. Бу тўнгиз гўштини кайнатиш каби уни халол қилиб қўймади”, дейилган.

“Жавхаратун наййира” китобида қуйидагилар ёзилган:

“Хамр ёки шу каби ичимликлар қайнатилиб, учдан иккиси кетиб бири қолса, уни ичиш халол бўлмайди. Чунки, харомлик қарор топган эди. Энди пишириш уни қетказмайди. Ким ичса, унга ҳад урилади. Чунки, пишириш харом нарсда содир бўлгани учун тўнгизни қайнатиб пишириш каби уни халол қилиб қўймади”.

Мазкур тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, желатинни тайёрлашда албатта кимёвий ўзгариш содир бўлади. Лекин, бу ўзгариш неча фоизни ташкил қилиши ҳақида қуйида сўз юритилади:

Тадқиқотчиларнинг тадқиқотларига мурожаат қилиб кўрсак, унда шундай дейилган:

“Каллажен 18 жуздан иборат бўлади. фан тилида уни Amino Acids дейилади. Ушбу 18 жузни “алкали”, “асидс”, “иссик қув” амалиёти билан желатин олинганда уч амалиёт ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмайди. Каллажин билан желатинда кимёвий ўзгариш топилмайди, яъни иккиси ҳам бир нарса хисобланади. Каллажен терижаги бир модда бўлиб, 65 градусгача қайнатилса, уни тузилиши ўзгариб желатин хосил бўлади. Кимёвий эътибор билан икки модда ўртасида ҳеч қандай фарқ йўк. Тайёр бўлган желатинни “Amino Acids”и билан каллаженнинг “Amino Acids”и ўртасида ҳеч қандай фарқ йўк. Желатин ва каллажиндаги 18 жузни ўзгариш ёки ўзгармаслигида шуни ҳам айтиб ўтиш мумкин-ки, 18 жуздан энг кўп топиладиган жуз “Glyscine”деб номланади. Тахминан, каллажинни учдан икки қисми “Glyscine”дан иборатдир. Ушбу модда каллажинда 27. 57 (residues) микдорига тенг. Желатинда эса, glyscine моддасининг микдори 7.60 residues. Шунга биноан иккисининг ўртасидаги 3.7 фоизни ташкил қилади. 9.3 фоизи эса, ўзгаришда ҳеч қандай фарқ йўк. Қолган 17 жузларда ҳам ҳам теридаги каллажин билан тайёр желатин ўртасида айтарли фарқ йўк. Кимёвий ўзгариш жихатидан иккисини

ўртасида фарк бўлмасада, хом теридаги каллажиннинг жисмоний тузилишида албатта фарк бор. Кайнок сувда каллажин майда-майда бўлакларга парчаланиб кетади.

Каллажин аввал сувда “dissolve” бўлмаган бўлса, желатинга айлангач сувда тез эриб кетиш, яъни dissolve пайдо бўлади.

Ушбу тадқиқотларга биноан чўчканинг териси кимёвий усул оркали ўзгарганда истихола хосил бўлди, яъни янги бир ҳақиқат (модда) пайдо бўлди, деб айтиб бўлмайди. Масалан, туз конига тушиб кетган эшак янги бир ҳақиқат, яъни тузга айланиб кетгани каби чўчканинг терисидан желатин олинганда янги бир нарсага айлангани йўқ.

Фатво:

1. Чўчканинг терисида содир бўлган кимёвий ўзгариш шаръан эътиборга олинмайди.

Кайнатиб пиширилган тўнгиз гўшти ҳеч кимнинг наздида ҳалол бўлмаганидек, ундан тайёрланган желатин ҳам ҳалол бўлмайди;

2. Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига мувофиқ, чўчка гўштида содир бўлган кимёвий ўзгариш ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас ва бу ўзгаришдан янги ҳақиқат (модда) пайдо бўди, дейилмайди. Балки, хом терида мавжуд нарса, майда бўлакларга бўлиниб кетди, дейилиши мумкин, ҳолос. Шунинг учун чўчка гўшtidан олинган желатинни истеъмол қилиш жоиз эмас.

Абдуманнон Косимий